O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА 51 КУН ҚОЛДИ!



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 12 июл чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 133 (2430)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



ҚУВОНЧЛИ ХАБАР

## ШАҲРИХОНДА ПАХТА ОЧИЛДИ

*Очилганда ҳам лўппи-лўппи бўлиб, оппоқ-оппоқ бўлиб, кўзларни қувонтириб очилди. Деҳқон даласидан минг ўргилиб, минг айланади. Унинг серқадоқ қўллари момиқ пахта узра оҳиста-оҳиста титрайди. Зеро, бу завқни кузатишнинг ўзи сурурли...*

*Аслида бу йилги ғўза ривожи мамлакатимизда ўртача икки ҳафта олдинда эканлигидан хабаримиз бор эди. Бироқ, суратчи мухбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқулов келтирган «далил» барибир кутилмаган воқеа бўлди.*



*– Сизлар хоналарда бехабар ўтирибсизлар, – деди ҳамкасбимиз. – Ана Шаҳрихон туманидаги академик Саримсоқов номли ширкат хўжалиги бригада бошлиқлари очилган пахта чаноқларини келтириб, раисдан анчагина суюнчи олишга ҳам улгуришди. Шундан сўнг хўжалик бошқаруви раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори Ўрмонжон Бозорбоев даладан уйга кетмай қўйди. Йўқ-йўқ, бу очилган пахта тасодифий ҳодиса эмас, балки ғўзаси учун жонини фидо қилган деҳқон меҳнатининг чинакам ҳосиласи. Ўтган йили 17 сентябр куни йиллик пахта режасини уддалаган хўжалик жамоасининг бу йилги ниятлари Мустақиллик кунигача маррани забт этиш...*

**Юсуф ҲАМИДОВ.**

*Қарор ва шарҳ*

## ЭКСПОРТ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча матбуотда эълон қилинган "2000 йилда ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори хусусий тадбиркорлар, воситачи-тижоратчилар ва айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи деҳқонлар томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Гап шундаки, илгари мамлакатимизда етиштирилган сабзавот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева ва узумни ўз вақтида четга чиқариб сотишга бел боғлаган ишбилармонлар талай расмиятчилик, тушунмовчиликлар билан бирга, жиддий муаммоларга ҳам дуч келарди. Бу эса не-не машаққат эвазига етиштирилган маҳсулотнинг ора йўлда қолиб кетишига, сифатининг бузилишига, деҳқон ҳафсаласининг пир бўлишига олиб келарди.

Айтиш мумкинки, эндиликда деҳқонларимиз пешона тери эвазига етиштирган мўл ҳосилни сотишда сунъий тўсиқларга дуч келмайди. Зеро, ҳукуматимизнинг юқорида номи зикр этилган қарорида улар учун қулай шароитни шакллантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш бозорларини янада кенгайтириш ва уларни экспортга етказиб беришни кўпайтириш, энг аввало, деҳқонлар ва қишлоқ хўжалиги товар етиштирувчиларининг етиштирилган маҳсулотларни сотиш учун зарур шароит яратиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Қарорда жисмоний ва юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан сабзавот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева ва узумни мамлакат ташқарисига чиқаришнинг 2000 йил 10 июлдан 1 октябргача бўлган даврга мўлжалланган тартиби илова қилинганлиги, шубҳасиз, айни муддао бўлди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, жисмоний ва юридик шахслар ўзлари етиштирган ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини, шу жумладан бартер асосида, республика ташқарисига чиқариш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг тегишли рухсатномаларини олиши жорий йилнинг 1 октябрига қадар талаб қилинмайди. Улар контракт шартларидан келиб чиқиб, ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилиши – олдиндан тўлиқ ва қисман ҳақ тўлаш асосида, консигнация шартларида ва бартер асосида амалга ошириши мумкин.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси зарур ҳужжатлар берилган вақтдан бошлаб икки кундан ортиқ бўлмаган муддатда, Республика Давлат божхона қўмитаси эса бир кундан ортиқ бўлмаган муддатда товарга илова қилинадиган ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини таъминлайди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ҳам ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчиларга фитосанитария сертификатини бир кунда бериши лозим.

Шуниси эътиборлики, мазкур ҳужжатда республика Прокуратурасига, Адлия вазирлигига давлат органлари ва идоралари томонидан ҳужжатларни расмийлаштиришнинг белгиланган муддатларига риоя қилиниши, мева-сабзавот маҳсулотларини жўнатиш кечиккан тақдирда эса — юкни жўнатувчи томонидан кўрилган зарар айбдор шахслардан белгиланган тартибда ундириб олиниши устидан қатъий назоратни таъминлаш тавсия этилган. Бу, шубҳасиз, деҳқон йил бўйи тер тўкиб етиштирган турли ноз-неъматларнинг исроф бўлиши ва сифатининг бузилишига йўл қўймайди, истеъмолчиларга тезроқ етказиб бериш имкониятини яратади.

**(ЎзА)**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**Кеча Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ва «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Фарғона вилоятидаги ижроси масаласи муҳокама қилинди. Йиғилишни қўмита раиси Ўткир Ҳошимов олиб борди.**

Йиғилишда таъкидландики, вилоятда оммавий ахборот воситалари «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатиш бўйича эркин фаолият олиб бориши юзасидан муайян ишлар қилинмоқда.

Фарғона вилояти оммавий ахборот воситалари (газеталар, радио, телевидение студиялари) билан бирмунча етарли қамраб олинган. Бугунги кунда вилоятда 49 та даврий нашр бўлиб, бундан 2 таси вилоят, 6 таси шаҳар, 14 таси туман, 24 таси тармоқ газеталаридир. Шу жумладан, 3 та журнал таҳририяти иш олиб бормоқда.

Тармоқ газеталари асосан мустақилликка эришганимиздан кейин ташкил этила бошланган. Уларнинг айримларининг нусхаси мунтазам кўпайиб бормоқда. Бунга «Адолат йўли», «Устоз», «Ниҳол», «Садо» каби тармоқ газеталари мисол бўла олади.

Вилоят телерадиокомпанияси ҳамда Қўқонда «Мулоқот» жамоа телевидениеси, Бағдод туманидаги «Бағдод» телевидениеси, Марғилонда «Марғилон ТВ» каби нодавлат, мустақил студиялар аҳолига хизмат қилмоқда.

Йиғилишда кўрсатиб ўтилганидек, қонунлар таҳририятлар фаолиятини ташкил қилиш, газеталар, телекўрсатувлар ҳамда радио чиқишларини замонавий маданий-ҳуқуқий асосга қуриш, саҳифаларни қизиқарли, ҳаётий қилиб уюштириш, ўқувчига ранг-баранг маълумот, ахборотлар етказишда ёрдам бермоқда. Ахборот олиш ва уни ёритишда катта тўсиқлар ёхуд журналистларнинг бу борадаги эркинликларини чеклашга уринишлар йўқ.

Бироқ, айрим газеталарнинг тиражи жуда оз, нашр сифати ҳам, уларда ёритиладиган мақолалар савияси ҳам юқори деб бўлмайди. Айниқса, вилоят ҳокимлиги муассис бўлган «Фарғона ҳақиқати» ва «Ферганская правда» газеталарининг аллақачон эскирган юқори босма усулда чоп этилаётгани газетхонни ранжитади.

Вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари «Реклама тўғрисида»ги Қонун талаблари, мажбуриятлари, юридик ва жисмоний шахсларга берадиган ҳуқуқлари ҳақида яхши тасаввурга эгалар. Қонун ўрганиб чиқилган ва амал қилмоқда. Шу билан бирга, ҳали «Реклама тўғрисида»ги Қонун мазмун-моҳияти берган имкониятлардан тадбиркорлик, билимдонлик билан фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Оммавий ахборот воситаларидаги рекламалар таъсирчан, жозибадор кўринишга эга эмас. Улар эътиборни тортмайди. Аксар ҳолларда рекламалар эълонлар шаклида, бир тусда, зерикарли тарзда босилади.

Баъзи туманларда ташқи рекламалар умуман йўқ. «Данғара» нодавлат телестудияси кўрсатувларининг савияси пастлиги, тарқатаётган рекламалари мантиқдан узоқлиги учун унинг фаолияти вақтинча тўхтатилган.

Умуман олганда, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ва «Реклама тўғрисида»ги қонунлар ижроси масаласида вилоятда талай ишлар амалга оширилган. Лекин камчиликлар ҳам борки, вилоят ва туман ҳокимликлари, оммавий ахборот воситаларининг таҳририятлари, матбуот бошқармаси, матбуот тарқатувчи ташкилотлар бу соҳада янада фаолроқ ишлашлари талаб этилади.

Йиғилиш қатнашчилари Фарғона вилояти ҳокимлиги, вилоят матбуот бошқармаси ва республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг Фарғона вилоят бўлими йўл қўйилган камчиликларни тугатиш учун оммавий ахборот воситаларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ишларини кучайтиришлари, журналистлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар ва ташкилотлардан керакли ахборотни қонун талаблари асосида монеликсиз олишларига эришиш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни кўришлари зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Бу борадаги ишни яхшилашга қаратилган бир қанча таклифлар киритдилар.

Йиғилишда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Қурбон ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ИЖТИМОИЙ МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг жорий йилдаги ярим йиллик фаолияти якунлари ҳамда "Соғлом авлод йили" Давлат дастурининг бажарилишига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, қўмита, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.

Кун тартибидаги масала юзасидан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси раиси О.Мусурмонова, республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши масъул котиби А.Болиев, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Т.Жўраев, Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

**(Давоми 2-бетда).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига шарҳ бериш тўғрисида"ги масаласи кўриб чиқилди. Масала адвокат Х.Нурмуҳамедовнинг Конституциявий судга Қонуннинг ушбу нормасига шарҳ беришни сўраб қилган мурожаати муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ Конституциявий суднинг учта судьяси кўрсатган ташаббуси билан киритилди.**

Адвокат Х.Нурмуҳамедовнинг мурожаатида қайд этилишича "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисида кўрсатилганидек, адвокат касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида "юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертлар хулосаларини... мижознинг розилиги билан сўраш ва ёзма тарзда олиш" ҳуқуқига эгадир. Қонуннинг ушбу қоидасига мувофиқ Х.Нурмуҳамедов Х.Сулаймонова номидаги республика илмий-тадқиқот криминалистика марказига экспертнинг ёзма хулосасини сўраб мурожаат қилган. Аммо, Х.Сулаймонова номидаги республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази адвокатнинг бундай ҳуқуқи процессуал кодексларда мустаҳкамланмаганлиги сабабли унинг илтимосини рад этган.

Шундай қилиб, Қонуннинг ушбу нормасига нисбатан бир-бирини инкор этувчи тушунчалар вужудга келган, бу эса ҳуқуқни қўлланиш амалиётида хатоликларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу нормани бир хил ва тўғри қўлланиш мақсадида унга расмий шарҳ бериш лозим.

Қонун нормаларини таҳлил қилиб ва уларни процессуал кодексларнинг алоҳида нормалари билан таққослаб ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига амал қилган ҳолда Конституциявий суд

қарор қилади:

1. "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг кўрсатилган нормаси адвокатга юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертлар хулосаларини мижознинг розилиги билан айнан экспертиза муассасаси ёки экспертдан сўраш ва ёзма тарзда олиш ҳуқуқини беради.

Қонун чиқарувчи адвокатнинг ушбу ҳуқуқини белгилаб, экспертиза муассасаларига ва экспертларга адвокатга экспертларнинг ёзма хулосаларни бериш мажбуриятини юклаган.

Шундай қилиб, юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертиза муассасалари ёки экспертлар мижознинг розилиги билан адвокатнинг сўровномасига асосан экспертнинг ёзма хулосасини беришлари шарт.

2. "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9- ва 27-моддаларига асосан ушбу шарҳ мажбурий ва матбуотда эълон қилинган вақтдан бошлаб кучга киради.

**(ЎзА)**

## «ЎЗБЕК КУРАШИ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ»



***Маълумки, эртага дунёнинг сайёҳлик марказларидан бири бўлган Анталия шаҳрида кураш бўйича иккинчи жаҳон чемпионати очилади. Бундай нуфузли мусобақаларни ўтказиш катта фидойилик, ташкилотчилик ишларидан ташқари кўп маблағ ҳам талаб этиши сир эмас. Ўзбек номи, шаъни ва ғурурининг тимсолларидан бирига айланган курашнинг жаҳон бўйлаб кенг тарғиб-ташвиқ қилинишига ҳисса қўшиш бугун ҳар бир ватандошимизнинг зиммасидаги бурчларидан бирига айланди, дейиш мумкин. Зотан, дунё полвонлари ўзбекча кураш тушса, дунё болалари ўзбекча кураш тушаётган полвонларга ҳавас билан улғайса, миллатимизга бундан-да улуғроқ шараф бўлиши мумкинми?!***

***Халқаро "Кураш" ассоциацияси чемпионат олдидан ўтказаётган тайёргарлик ишларининг бориши, курашнинг ватандошларимиз тарафидан қай даражада қўллаб-қувватланаётганини билиш мақсадида Ассоциация президенти Комил ЮСУПОВга мурожаат қилдик.***

– Ассоциациямиз ташкил бўлишида унга 28 давлатдаги Кураш федерациялари муассис бўлишган эди. Ҳозир аъзоларимиз сони элликдан ошган. Чунки курашнинг энг ҳалол ва энг томошабоп, қизиқарли спорт тури эканини хорижда ҳам кўпчилик англаб етди. Шу боис уни тарғиб-ташвиқ қилувчилар сони тобора ортиб бораётир. Бизга — Ўзбекистон вакилларига эса Президентимизнинг катта ишончи куч ва масъулият бағишлаб турибди. Жаҳон спорт ареналарида "кураш" деган сўз янграганда, ўзбекча "ҳалол", "ёнбош", "чала" сўзларини эшитган полвонлар қўлини кўксига қўйиб таъзим қилганда юраги ғурурдан тўлқинланиб кетмайдиган ўзбек бўлмаса керак. Лекин бугун ғурурланишнинг ўзи камлик қилади. Курашнинг дунёга ёйилишига қўлидан келган ҳар бир одам кўмаклашиши керак, деб ўйлайман. Миллатнинг шаъни ўртага қўйилган пайтда бошқа ҳамма масалалар четга чиқиши лозим.

### *Кутлуғ қадам*

Ҳозир Ассоциациямиз томонидан Жаҳонда курашни ривожлантириш жамғармаси тузилди. Қитъа ва миллий кураш федерациялари, ҳомийлар тарафидан унга маблағ ўтказиш юзасидан иш олиб борилмоқда. Бу маблағлар нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг турли гўшаларида ишлаб чиқариш корхоналари қуришга сарфланади. Фойда курашни ривожлантириш учун ишлатилади, айни чоғда яна қанча одам иш билан таъминланади. Лекин бир нарсани унутмаслик лозим – бу корхоналар фойда олиш ва курашни ривожлантиришга маблағ топиш мақсадидагина тузилаётгани йўқ. Асли, буям курашни тарғиб қилишнинг бир йўли. Ўзбек кураши орқасидан ишли бўлган, оиласини боқаётган хорижлик кишиларда бу спорт турига рағбат уйғонишини эътибордан соқит қилиш мумкин эмас.

Кўпинча мендан: "Анталияда ўтадиган иккинчи жаҳон чемпионатида ўзбек полвонларидан ким чемпион бўлади?" деб сўраб қолишади. Мен уларнинг бу саволи тагида курашга бўлган катта қизиқиш ётганини тушунаман, албатта. Аммо кураш — бу биринчи галда спорт. Спортда эса ҳар доим энг кучлилар ғолиб чиқади. Ҳозир дунёда энг кучли полвон ким эканини айнан шу чемпионат ҳал қилади. Лекин бир нарса аниқ – бу чемпионатда ўзбек кураши чемпион бўлади, унинг номи улуғланади.

**(Давоми 2-бетда).**

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

# БУ КУНЛАРНИНГ ЎЗИ КЕЛМАГАН

## УНУТИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Одатда инсон бирор воқеадан қаттиқ таъсирланса, қўлига қалам олади. Мен ҳам яқинда хизмат бурчимга кўра чекка қишлоқдаги мактабга борганимда ёши улуғ бир ўқитувчи киноя билан «Синглим, илгари битта гугурт бир тийин турарди, шу эсингиздами?» деб қолди. Мен у кишига «Қадрингизчи, битта гугуртча бормиди?» деганимда гапиролмади.

Қизиқ, шўро даврининг барча ўнқир-чўнқирларини кўрган одамки шу фикрда экан, кейинги авлод қандай ўйлаяпти? Менга ўша кунлар эсингиздами деб нимани назарда тутяпти? Эсимда бўлганда қандоқ, у кунларни унутиб бўладими?! Ўша гап туртки бўлдими, мустабид даврда чеккан кўргуликларим тез-тез ёдимга тушадиган бўлиб қолди. Беихтиёр шундай фикрга келдим: **бугунги ҳур ва эркин замон қадрига етишимиз учун у кунларни эслаб туришимиз керак.**

Президентимиз анжуманлардан бирида «Мен эски замонни ичидан биламан» деган сўзни айтдилар. Дарҳақиқат, эски тизимнинг умри калталигини яхши билибгина асосли танқид қилишимиз мумкин. Шу маънода камина ҳам замонни китобдан ўқиб эмас, балки ичида яшаб, хизмат қилиб кўрганлардан.

## АРМОН

Отам бир умр пахтачилик бригадири, мироб бўлиб ўтганлар. Онам билан биргаликда 9 нафар фарзандни ўқитиб билимли, маълумотли қилишди. Дунёга келиб меҳнатдан бошқа нарса кўрмай кетдилар. Баъзан хаёлимга шунда фикр келади: нега отам ҳаётлигида у кишини Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий зиёратгоҳига олиб бормаган эканман? Чунки у даврда бу маскан чангалзор ва хароба эди-да. Бухородаги Баҳовуддин Нақшбанд мақбарасига олиб борсам бўлмасмиди? У ерга бориш комфирқа сиёсатига тескари эди-да. Ат-Термизий зиёратгоҳичи? Бу ҳақда, гарчи фан номзоди бўлсам-да, умуман маълумотга эга эмас эдим. Тилга олинган табаррук зотларнинг номини бошқа мамлакатларда эътиқод билан эъзозлашган. Биз мутлақо зулматда, ғафлатда сақланганмиз.

Энди эса бу гўшалар қанчалик обод бўляпти. Қани энди, отам ҳаёт бўлганларида табаррук жойларга олиб борардим. Дарвоқе, **бугун шу имконият сизда бўлса, армонда қолманг, муҳтарам газетхон!**

## ТАЛВАСА

Хизмат соҳасида навбатдаги поғонага тавсия қилишди. Фақат битта шарти бор: Москванинг суҳбатидан ўтиш керак. Узун йўлаклар бўйлаб тегишли эшик олдида тўхтадим. «Кутиб туринг» дейишди. Очиғи, мен ҳаяжонланардим. Ахир ўша даврда шу қадар баланд идораларда синовдан ўтиш катта мартаба эди-да.

Ичкарига кирдиму мутлақо ўзим кутмаган ҳолатга тушдим. Шу дақиқагача фирқадошларим мен билан самимий суҳбат қилсалар керак, деб ўйлагандим.

Хона соҳиби саломимга алик ҳам олмасдан қўлидаги газетани менга томон отиб юборди.

– Эҳтимол, сизлар ҳам мустақил бўлишни хоҳлаб қолгандирсизлар? – дея ўшқирди.

Маълум бўлишича, ўша кунги газетада Эстония компартияси марказкомининг пленуми бўлиб, унда республиканинг СССРдан чиқиш масаласи кўрилганлиги хабар қилинган экан.

– Бу саволга мен жавоб қилолмайман, халқнинг хоҳиш-иродаси бу, – дейишимни биламан ҳалиги раҳбар мени жеркиб берди. Мен унинг ёвқарашида «Сенлар ҳам халқмисанлар?» деган назарни туйдим. Кўз олдимдан пахта далаларида терга тушиб ишлаётган халқим ўтди. Бу қандай бедодлик?! Бечора халқ тиним билмай ишласаю, пахтасини сув текинга топширса, ҳузурини бошқалар кўрса, яна таҳқирланса...

Иродамни қўлга олиб, юрак ютиб савол бердим:

– Ўзбекистонда бўлганмисиз?

– Йўқ, лекин ҳамма гапдан хабарим бор, саводсиз, оми одамлар яшайди у ерда.

Бу гаплардан кейин нима ҳам дейиш мумкин? Бошқа хоналардаги суҳбатлар ҳам шу руҳда ўтди. Қаттиқ изтироб чекдим. Обком котиблигига суҳбатдан ўтолмадим. Нега бундай бўлди? Мени улар нега бунча совуқ қарши олишди? **Кейин тушунсам, «қизил империя»нинг салтанати дарз кета бошлаган экан. Шундан талвасага тушиш даврига тўғри келибман.**

## ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

Яқинда вилоят марказидаги мактаблардан бирига кирганимда компьютер муаммосини айтиб қолишди.

– Ахир икки йил олдин компьютер олгандинглар-ку? – сўрадим ажабланиб.

– Тўғри, шу вақт ичида унинг янги авлоди чиқди, янаям мураккаб ечимларни ҳал қилмоқчимиз, – дейишди ўқувчилар бир овоздан.

Болаларнинг бу талаби мени ўйлантириб қўйди. Айни пайтда ич-ичимдан қувондим. Уларнинг билимга ташналиги, жажжи қўлчалари билан компьютернинг тугмаларини босиб, ажиб мўъжизалар оламида сайр қилишлари ҳавасимни келтирди. Шулар эмасми, мустақил Ўзбекистоннинг эртанги эгалари?! Қаранг, Жиззах вилояти мактабларида таълим олиб республикамиз олий ўқув юртларидан 40 га яқин талаба «Умид» жамғармаси йўлланмаси билан дунёнинг мана-ман деган ўқув даргоҳларида таълим олишяпти. Беихтиёр уларнинг бугунги ҳаётини ўзим ўқувчи бўлган даврга таққослайман. Эсимда, саккизинчи синфда эканлигимда ўқитувчиларимиз бизни Самарқандга олиб бормоқчи бўлишди. Лекин бунинг иложи бўлмади. Нега дейсизми? Баҳорги таътил кунлари автобусларни бошқа мактаблар олиб қўйишибди. Бизга шу саёҳатнинг насиб этмагани анча вақтгача армон бўлиб қолганди. **Энди эса, ёшларимиз уммон ортидаги мамлакатларни кўзлашаяпти. Бизга шундай имкониятни мустақиллик бермадими?! Ёки шундай айён манзарани рад этувчилар ҳам топиладими?**

## МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Тоталитар тузумнинг қатағонлари ҳақида сўз кетганда «десантчилар»нинг зуғумларини кўп гапиришади. Лекин бир тоифа одамларни унутиб қўямиз: улар ўзимиздан чиққан югурдаклар. Гдлян-Иванов каби муртадларнинг соясига кўрпача солганлар, сизлар келиб адолат ўрнатдинглар дея ялтоқлик қилганлар бўлмадими? Хўш, бу кимсаларнинг нимаси кам эди? Менимча, уларда ғурур, орият етишмасди. Ахир «десантчилар» миллатимиз шаънига тавқи лаънат осишга уринганликлари шундоқ кўриниб турувди-ку?! Ундайлардан фақат жирканиш мумкин эди.

Минг шукурки, халқнинг шундай мард фарзанди чиқдики, келгиндилар учун сичқоннинг ини минг танга бўлди. **Юртбошимиз ўзбек тупроғини улардан тозалагач, «Энди ўзимиздан сотқин чиқмаса, ҳеч ким бизни енголмайди» дедилар. Назаримда, бу ҳикматни гоҳида унутиб қўяётганга ўхшаймиз.** Бу сўзлар бизни ҳамиша ҳушёрликка, огоҳликка ундаб туриши керак.

Мен замондошларимга шундай хитоб қилгим келади: Эй, ватандошим, асрий орзуларнинг рўёбга чиқишини кўриш бизга насиб этибди. Ҳали бу кунларни келгуси авлодлар ҳаяжон билан эслашади. Шундай экан, мустақиллигимизни ёт кўзлардан асрайлик! Бепарволик, лоқайдлик ўзимизга душман. Буюк келажакни ўз кучимиз, иродамиз билан яратамиз!

Мени бир нарса хурсанд қилади. Кейинги йилларда Ватанимиз қудратини ошириш ҳар бир фуқаронинг интилишига боғлиқ эканлигини англаб етган одамлар сони ошмоқда. Бу туйғу ҳар бир қалбни забт этганда ҳаётимиз қанчалар гўзал бўлишини тасаввур қиляпман.

**Гуландом СУБҲОНОВА,**
**Жиззах вилояти.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# «ЎЗБЕК КУРАШИ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ»

Анталияда мингдан зиёд меҳмонхона бор. Ёз мавсумида у ерда бир неча миллион киши дам олади. Шуларнинг аксарияти, кураш билан танишиб, у ўзбек халқининг бетакрор ва ўзига хос спорти эканидан бохабар бўлиб уйига қайтади. Ахир, бу бизнинг ютуғимиз эмасми?! Етти-саккиз йилда дунё аренасига чиқилгани бу – курашнинг аллақачон чемпион бўлгани эмасми?!

**– Ўтган йил феврал ойида Президентимизнинг Халқаро “Кураш” Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида Фармони эълон қилинган эди. Шундан кейин Ассоциация қошида курашни қўллаб-қувватлашга ёрдам берадиган корхоналар ташкил этилмоқда, деган хабарлар тарқалди. Уларнинг полвонларимизга бераётган ёрдами ҳақида ҳам гапириб берсангиз?**

– Афсуски, бу соҳадаги ишларимизни қониқарли деб айтолмаймиз. Полвон халқи ҳалол кураш учун туғилади, унга тадбиркорлик ниқоби остидаги ғирромлик ёт. Президентимиз Фармони қабул қилингандан кейин бизга жуда кўплаб тадбиркорлар мурожаат қилишган эди. Қисқа вақт ичида Ассоциация қошида йигирмага яқин кичик корхоналар тузилди ҳам. Уларнинг эгалари “Биз ўзбек курашининг дунёга чиқишида қўлимиздан келган ёрдам ва маблағни аямаймиз. Етса – молимиз, етмаса – жонимиз”, дегандай қоп-қоп ваъдалар беришди. Лекин, афсуски, уларнинг аксарияти ўзбекнинг номи, миллий шаъни ва ғururини жаҳонга ёйишни эмас, фақат чўнтагини қаппайтиришни ният қилишган экан.

Уларни бизнинг ҳузуримизга курашни тарғиб қилиш хоҳиши эмас, Фармонда белгиланган имтиёзлар етаклаб келибди. Турли жамғармалар қошида очилган корхоналарнинг фақат нотижорат фаолиятигина солиқлар, йиғимлар ва божхона тўловларидан озод қилиниши ҳақида янги Фармон қабул қилиниб, имтиёзлар бекор бўлгандан кейин, “Ўзбегим кураши” шўъба корхонасидан бўлак ҳаммаси ўз фаолиятини тўхтатди. Шунда биз халққа янги иш ўринлари очмайдиган, фақат номимизни сотиб иш кўрадиган сохта корхоналардан қутулишга қарор қилдик. Ният қилдикки, бундан буён Ассоциациямиз қошида фақат ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган, янги иш ўринлари очадиган корхоналар бўлсин. Сиз “Ўзбегим кураши” корхонасининг фаолияти билан танишиб кўринг. Унинг раҳбари Илҳомжон полвон йигит. Авваллари давраларда кураш тушарди. Ҳозир тадбиркорлик майдонида ҳалол кураш тушмоқда. Балки, шундай корхоналаримизни тарғиб қилсак, бизга фақат фойда олишни эмас, ўзбек номини дунёга ёйишни истайдиган асл йигитлар кўпроқ мурожаат қилишар...

*Комилжон аканинг гапи туртки бўлиб, “Ўзбегим кураши” шўъба корхонаси раҳбари Илҳомжон Юсуповни излаб топдик. Доим жилмайиб юрадиган, жуссасидан куч ёғилиб турган бу киши кўпчилик полвонларга ўхшаб гапга нўноқроқ экан.*

*– Болалигимдан курашга қизиқардим. Аммо у пайтлар миллий курашимизга ҳозиргидек эътибор бўлган эмас. Шу боис бўлса керак, бошқа ишлар билан машғул бўлиб кетдим. Афсуски, эндиликда кураш тушиб, ўзбек халқига шараф олиб берадиган ёшдан ўтдик. Шунинг учун курашнинг кенг ёйилишига бошқа томондан ҳисса қўшишга ҳаракат қиляпмиз. “Ўзбегим кураши” корхонасини шу мақсадда туздик. Токи, топган фойдамиз айнан курашни тарғиб-ташвиқ қилишга сарфлансин.*

*“Ўзбегим кураши “ шўъба корхонаси 1999 йил 1 августда Халқаро “Кураш” Ассоциацияси қошида ташкил этилган экан. Асосан қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланади. Ўн тўрт киши меҳнат қилади. Асосий таркиб инженер-техник ходимлардан иборат. Бир неча юқори малакали монтажчи ва созловчи ҳамда чилангарлар уларга ёрдам беради. Корхона пойтахтимиз ва Тошкент вилояти ҳудудида сув қурилиши билан боғлиқ юксак малака талаб қилинадиган ишларни бажаради.*

*Ўтган қисқа вақт давомида амалга оширган энг катта ишлари – пойтахт марказида қурилган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуини сув билан таъминлайдиган ноёб насос станциясининг қирқ беш кунда қуриб, фойдаланишга топширилгани бўлди. Ёзнинг бугунги жазирама кунларида мазкур хиёбонда чаман бўлиб очилиб турган гуллар, кўзни қувнатадиган чимзор ва фавворалар полвон қурувчилар меҳнати самарасидан баҳраманд бўлмоқда.*

*“Ўзбегим кураши” ишчилари, шунингдек, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси буюртмасига биноан улкан заводнинг сув ўтказиш ва канализация тизимини назорат кўригидан ўтказди ва қайта созлаш, таъмирлаш ишларини бажарди. Буларнинг ёнида, табиийки, қиймати камроқ бўлган бошқа бир қанча иншоотлар қурилиши ҳам бор.*

*Илҳомжон ўтган қисқа давр мобайнида салкам ўттиз миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилгани, ишчиларнинг ўртача ойлиги ўн беш – йигирма минг сўмдан ошганини таъкидлади. Киши бошига йилига икки миллион сўмликдан ошиқроқ иш бажаришга эса ҳар қандай корхона ҳам қодир бўлавермайди. Халқаро “Кураш” Ассоциациясига эса икки миллион сўмга яқин маблағ ўтказилибди, корхона бажараётган ишларнинг суръатини пасайтирмасдан, йил охиригача яна шунча миқдордаги маблағ ўтказиб берилар экан. “Биз ишлаб топган пул ўзбек курашини хорижда тарғиб қилишга озгина бўлса ҳам ҳисса бўлиб қўшилаётганидан фахрланамиз”, дейди Илҳомжон.*

*Ҳар куни телевизор орқали Анталияда ўтказиладиган кураш бўйича иккинчи жаҳон чемпионати реклама қилинади. Ёшгина бола ширин тилда “Ўзбек кураши - бизнинг курашимиз” дейди фахр билан. Истардикки, шу гапни айтаётган ва уни амалий ишлари билан исботлаётган катталаримиз сони ҳам кўпайса.*

**Мусулмон НАМОЗ,**
**ЎзА мухбири.**



*«Халқимиз бахтига бу йил мева йили бўлди».*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Кўргазма-2000*

# ИМПОРТГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Шу пайтга қадар «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тармоқлари учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва бутловчи маҳсулотларнинг асосий қисми Ҳамдўстлик давлатларидан валюта эвазига келтириларди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 февралдаги қарорига асосан, ана шундай турдаги импорт ўрнини босадиган эҳтиёт қисмларни ўзимизнинг маҳаллий корхоналаримизда тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Темирйўлчилар маданият саройида уч кун давом этган бутловчи маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмлар кўргазмаси худди ана шу хайрли мақсадга қаратилди. Унда Ўзбекистон темир йўллари тармоқлари учун зарур бўлган 500 дан ортиқ бутловчи ва эҳтиёт қисмлар намойиш қилинди. Ярмаркада 20 га яқин вазирлик ва компанияларга қарашли корхоналар иштирок этди.

– Ҳамдўстлик давлатларидан йилига 9 миллион 167 минг АҚШ доллари ҳажмида эҳтиёт қисмлар олардик. – дейди компания раисининг биринчи ўринбосари Баҳодир Юсупов. – Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 2000 йилдан бошлаб ана шунча миқдордаги эҳтиёт қисмларни ўзимизнинг корхоналарда маҳаллий хомашё асосида тайёрлаш йўлга қўйилди. Компания томонидан импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра 2005 йилгача импорт ўрнини босадиган товарлар миқдорини 4 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган.

**Б. ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИЖТИМОИЙ МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидланганидек, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашувида мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, уюшма, идора ва ташкилотларнинг самарали ҳиссаси бор. Хусусан, ўтган вақт мобайнида маданият, маънавият, маориф, тиббиёт, спорт ва сайёҳлик тизимида муайян ишлар амалга оширилди. Жойларда замонавий талаблар даражасидаги кўплаб янги маданий-маиший, тиббий муассасалар, саломатлик марказлари, ўқув масканлари фойдаланишга топширилди. “Соғлом авлод” Давлат дастури доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тадбирлар режага мувофиқ бажарилмоқда.

Шу билан бирга, ёш авлодга таълим бериш, баркамол инсон этиб тарбиялаш борасидаги ишларда ҳали талай муаммо ва камчиликлар мавжуд. Мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида тарих, фалсафа, жамиятшунослик сингари ижтимоий фанларни ўқитиш давр талаблари даражасида эмас. Жумладан, тайёрланган барча дарсликларни ҳам бугунги кун талабларига жавоб беради, деб бўлмайди. Уларнинг кўпчилигида ҳали-ҳамон эски мафкура, эски тузум руҳи сақланиб қолган. Жамиятимизда кечаётган оламшумул ўзгаришлар, ислоҳотлар жараёни, Мустақиллик ғояси ва миллий мафкуранинг моҳияти етарлича очиб берилмаган.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев қатнашди.

**(ЎзА)**

Мавзуга қайтиб

# АҲВОЛ ЎЗГАРМОҚДА...

Шу кунларда бозор оралаган киши яхши билади: гўё жаннати боғларнинг эшиги ланг очилгандек, савдо расталари обод, тўкин-сочин. Она-ер саховати, бободеҳқон меҳнатининг маҳсули бўлмиш турфа ноз-неъматлар кўзингизни қамаштиради. Енгу маза қилинг. Болдек таъми бир тараф бўлса, арзонлиги бир тараф. Кексаларнинг айтишича, яқин йиллар мобайнида бу ёздагидек пишиқчилик, серобгарчилик бўлмаган. Бозор пештахталари ботмон-ботмон мева-чева, сабзавоту полиз маҳсулотлари учун анчайин торлик қилаётган бўлса, ҳеч ажабланманг.

Мўл-кўлчилик бўлгани ҳаммамиз учун яхши, албатта. Аммо масаланинг яна бир муҳим жиҳати борки, уни асло назардан четда қолдириб бўлмайди. Гап нима хусусда кетаётганини илғаган бўлсангиз керак. Бозорни сархил маҳсулот безайди. Савдо жараёни эса белгиланган тартиб-қоидаларга тўла риоя этиш, сотувчи ва харидор манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатли ҳимоялаш билан бевосита ва чамбарчас боғлиқдир. Бу маълум ҳақиқатни таъкидлашдан мурод нима?

Газетхоннинг ёдида бўлса керак, «Халқ сўзи» газетасида босилган (2000 йил, 27 июн) «Бозор бедарвоза эмас» сарлавҳали мақолада пойтахтимизнинг Сирғали тумани деҳқон бозорларидаги мавжуд аҳвол хусусида сўз юритилган, олти-сотди соҳасида йўл қўйилаётган баъзи камчилик ва нуқсонлар кўрсатиб ўтилган эди. Орадан икки ҳафтача вақт ўтди. Нима ўзгариш юз берди?

Биз яқинда туман ҳокимлиги вакиллари ҳамда солиқ идораси ходимлари ҳамкорлигида «Сирғали бозори» акциядорлик жамияти тизимига кирувчи 3 ва 6- мавзелардаги шохобчаларни кўздан кечирарканмиз, юқоридаги саволга жавоб изладик. Энг аввало, «Сирғали-3» мавзесидаги деҳқон бозори хусусида. Илгари бу ерга ташриф буюрган харидор йўлакларнинг тирбандлигидан нолир, лаш-лушини ёйиб қўйганича савдо қилаётган чапдаст «тадбиркорлар», сомсапазу кўкатчилар бемалол юришга имкон бермас эди. Энди ундай эмас. Чунки ҳар кимнинг муқим жойи, чегараси аниқ белгиланган. Расталар тоза, озода.

Ишни режали ташкил этиш, савдо-сотиқ жараёнини муваффақиятли амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамият касб этаётганлиги шубҳасиз. Бозор жамоаси мазкур қарордан келиб чиқиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш имкониятларини изламоқда. Дастлабки натижалар чакки эмас. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида барча соҳалар бўйича 15504 минг сўм соф фойда олинди. Ҳар бир ходимнинг ойлик маоши 11-12 минг сўмни ташкил этаяпти. Жамият тасарруфида 121084 та акция мавжуд бўлиб, ҳозиргача шунинг 90730 таси ёки 75 фоизи сотилган. 1999 йил бўйича ҳар бир акцияга 296,9 сўмдан дивиденд тўғри келди.

Биз юқоридаги рақамларни нима учун эслатяпмиз? Гап шундаки, жамият фаолиятида арзигулик меҳнат ютуқлари бор ва бундан ҳеч ким кўз юммоқчи эмас. Кези келганда яна бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардик. «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси, қолаверса, Сирғали тумани ҳокимияти бозор механизмини такомиллаштириш, савдо соҳасидаги истиқболли режаларни рўёбга чиқариш, ноқонуний олибсотарликка қарши курашда жамоа аҳлига яқиндан ёрдам кўрсатаяптилар. Жамият бошқаруви раиси М.Миралиевнинг таъкидлашича, кейинги бир ой мобайнида ҳар икки бозор ҳудудида катта ҳажмдаги қурилиш-ободончилик ишлари амалга оширилди. Илгари «Сирғали-3» шохобчасида иш анча издан чиққан, ҳар ким ўзи истаган жойга ўтириб савдо қилар, бу эса кунлик тушумларни йиғишда қийинчилик туғдирар эди. Эндиликда бундай ҳолларга барҳам берилган. Ноқонуний равишда фойдаланиб келинаётган 300 квадрат метр жой текисланиб, ўрнига 70 та савдо растаси ташкил этилди. Кўча-кўйда савдо қиладиганлар учун қўшимча жойлар ажратилди. Натижада шу ҳисобдан тушум пуллар миқдорини 15 фоиз оширишга эришилди.

Санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш мақсадида ҳар икки бозорда 1,5 миллион сўмлик иш бажарилди. Лоток ариқлар, канализация ускуналари қайта таъмирланди. Сотувчи ва харидорлар учун қўшимча қулайликлар яратилди. Шу ҳисобдан июнда бир марталик тушум пули ва хизмат кўрсатиш миқдори ўтган ойга нисбатан анча ошиб, жами 4916 минг сўмни ташкил этди.

Савдо-харид корхонасининг фаолиятини яхшилаш, икки томонлама тузилган шартномаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга ошириляпти. Натижада июн ойида товар айланиши 1827 минг сўм ўрнига 4709 минг сўмни ташкил этди ёки белгиланган режа 258 фоизга бажарилди. 2000-2001 йиллар мобайнида «Қўйлиқ-5» ҳамда «Сирғали-3» мавзеларидаги савдо шохобчаларини қайта таъмирлаш режалаштирилган.

Буларнинг ҳаммаси яхши ва эътиборга молик, албатта. Шуни таъкидлаш керакки, Сирғали туманида бозор ишига мутасаддилар савдо-сотиқ жараёнини давр талаблари даражасида ташкил этиш учун ҳали бир талай масалаларни ҳал этишлари лозим эканлигини юракдан ҳис этмоқдалар. Энг муҳими, бу борада қонун кучига таяниб иш олиб бориш асосий эътиборда турибди.

Бозор ўз табиатига кўра маъмуриятчилик ҳамда расмиятчилик билан келишолмайди. Лекин нима бўлганда ҳам барча учун қулай, манфаатли йўлни топиш мумкин ва лозим. Қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар. Бугунги ўзгаришлар даври бозор хўжалигини тубдан ислоҳ қилишни, аҳолига замонавий талаблар даражасида хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлардан фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу, уддаласа бўладиган муҳим ва ҳаётий ишдир. Бозор — қут-барака булоғи, маъмурчилик кўзгуси. Биз ана шу кўзгу чанг-ғубордан холи, мусаффо бўлишини истаймиз, холос.

**Носир ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Ёзги таътил хизматлари

**Шу йилнинг 1 августида «Трансаэро» авиакомпаниясининг «Ўзбекистон хаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан ҳамкорлик ўрнатганига 6 йил тўлади. Шу муносабат билан мухбиримиз «Трансаэро» авиакомпаниясининг республикамиздаги ваколатхонаси бошлиғи Марат Камолиддинов ҳузурида бўлиб, суҳбатлашди.**

# ҲАВО ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК КУЧАЯДИ

**– Марат Нажипович, икки авиакомпаниянинг ҳамкорлик натижаларидан мамнунмисиз?**

– Икки авиакомпания ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўтган йиллар давомида Москва—Тошкент ҳаво йўли орқали бизнинг рейсларда 350 мингдан кўпроқ йўловчи сафар қилди. Шу йилнинг август ойидан бошлаб «Трансаэро»нинг Тошкентга қатнайдиган рейслари ҳафтада тўрт мартага кўпаядиган бўлаяпти. Биз ўз самолётларимизнинг Тошкентга сафарини саёҳатчилар ва тадбиркорлар учун энг қулай вақтларда бўлишини режалаштирганмиз. Самимий ва ишончли ҳамкоримиз – «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик алоқаларимизни янада фаоллаштириш режалари устида ишлаяпмиз.

**– Мана, ёз ойлари давом этаяпти. Маълуки, бу ойларда одамлар ёзги таътилга чиқиб, узоқ ўлкаларга саёҳатларга боришади, ҳордиқ чиқариш масканларига йўл олишади. Бунинг устига, худди шу ойларда тадбиркорларнинг фаолияти ҳам янада кучаяди. «Трансаэро» ана шу мавсумда йўловчиларга хизматни қандай ташкил этаяпти?**

– Авиакомпаниямиз 1999 йилдан бошлаб Россия, МДҲ давлатлари ва хорижий мамлакатларнинг 25 та шаҳрига мунтазам рейслар уюштириб келмоқда. Жумладан, 1998 йилнинг декабр ойидан самолётларимиз Лондоннинг Гатвик аэропортига қатнай бошлаган эди. 2000 йилнинг 26 мартидан бошлаб эса, Лондоннинг яна бир аэропортига – Хитроуга ҳам ҳаво қатновини йўлга қўйдик. 1 июндан самолётларимиз ҳар куни Москва вақти билан соат 13.10да мана шу йўналиш бўйлаб парвозга чиқади. Йўловчилар 1 соату 15 дақиқадан кейин Хитроу аэропортида бўлишади. Лондондан эса самолётимиз маҳаллий тунги вақт билан соат 22.05 да учади ва Москвага эрта тонг пайтида қўнади. Бу – саёҳатчилар ва тадбиркорларнинг ўз вақтларидан самарали фойдаланишлари учун ғоятда қулай шароитдир.

Мижоз йўловчиларга яна бир янгиликни айтиб қўймоқчиман. 1 июндан бошлаб Лондон—Москва—Санкт-Петербург ҳаво йўналишини очдик. Бу йўналишда учадиган йўловчилар фақат Лондон-Москва йўналиши учун йўл ҳақи тўлайдилар. Демак, уларнинг худди шу рейсда Санкт-Петербургга сафари текинга тушади.

Авиакомпаниямиз самолётлари Исроил пойтахти Тел-Авивга ҳам ҳафтада 12 марта қатнамоқда. Қизил денгиз бўйидаги Эйлат курортлар ҳудудига ҳам рейсларимизни қайтадан тикладик. Бунинг устига, Исроилга учадиган самолётларимизда оилаликлар, ёшлар, кексаларга йўл ҳизмати тўлови учун турли чегирмалар ҳам қўлланилмоқда.

«Трансаэро» Кипр (Пафос) оролларига ҳам мунтазам рейслар очилди. Кипрга самолётлар ҳар шанба куни учади, бориш-келиш чипталари бор-йўғи 190 АҚШ доллари миқдорида.

Авиакомпаниямиз, шунингдек, Украина, Белоруссия, Молдовада туристик фирмалар ташкил этган. Яқинда Россияда ҳам шундай фирма очилди. Бу фирмалар орқали МДҲ ҳудудидаги давлатлар бўйлаб туристик саёҳатлар уюштирилади.

Компаниямизнинг авиапаркида битта «Ил-86», еттита «Боинг-737» самолётлари хизмат кўрсатаяпти.

**– Йўловчиларга учиш пайтида кўрсатиладиган сервис хизмати тўғрисида нима дейсиз?**

– Йўловчиларга хизмат энг замонавий даражаларда ташкил этилган. Масалан, «Шереметьево-1» аэропортида энг янги телефонлар ва таксофонлар – йўловчилар хизматида. Йўловчилар самолётдан тушгандан кейин уларни Москва шаҳрига авиакомпаниянинг махсус автобуслари ва енгил машиналари олиб боради. Учиш олдидан йўловчиларга бериладиган овқат рационлари янада ранг-баранглаштирилди. Самолёт салонларида йўловчиларга бериладиган овқат турлари ёнига ёз ойларида хилма-хил сабзавот ва мева маҳсулотлари ҳам қўшилган.

Хуллас, «Трансаэро» самолётларидаги сафар йўловчиларда энг кўнгилли таассуротлар қолдириши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

**Суҳбатдош:
М. САФАРОВ.**



## ЧЎЛ ҒАЛЛАСИ

Оқ олтин туманидаги Усмон Носир номли ширкатлар бирлашмаси ғаллакорлари 5300 тонналик ғалла хирмони уйиб, шартнома шартларини бажардилар. 2086 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25,5 центнердан чўл ғалласи етиштирдилар.

Бу улкан хирмонга «Норқул», «Тўқмоқ», «Умарқул ҳожи», «Жўра» фермер хўжаликлари муносиб ҳисса қўшди. Бу фермер хўжаликларида олинган ҳосилдорлик 40-45 центнерни ташкил этди.

Айни пайтда ҳам хўжалик далаларида 4 та «Кейс» ва биттадан «Нива» ҳамда «Енисей» комбайнлари тинимсиз ишламоқда. Бош агроном Ғулом Қултоевнинг таъкидлашича, мавсум охиригача ҳосилдорлик ўртача 30 центнерга етади.

**Раъно ЖЎРАЕВА**

## САММИТ АРАФАСИДАГИ ФИКРЛАР

### БЕШ ҚИТЪА ДАРАКЛАРИ

Айни пайтда Исроил ва Фаластин раҳбарларининг АҚШда бўлиб ўтадиган навбатдаги саммити халқаро ҳамжамият диққат эътиборида турибди. Негаки, ўзаро мулоқотларда томонлар энг нозик масалаларни муҳокамага қўймоқчи. Қуддус шаҳрининг мақоми, Фаластин давлатининг чегаралари, босиб олинган ерларга ўрнашиб олган яҳудийлар ва фаластинлик қочқинларнинг тақдири музокараларнинг бош мавзуи бўлади. Бироқ ушбу учрашув арафасида Исроил коалицион ҳукумати бутунлай тарқаб кетиш хавфи билан юзма юз турибди. Нега? Хабарларга қараганда, «Шас» партияси вакиллари Бош вазир Эҳуд Баракдан бўлажак учрашувда фаластинликларга қай даражада ён босилиши мумкинлигидан ўзларини огоҳлантиришни талаб қилганлар. Акс ҳолда улар ҳукумат таркибидан бутунлай чиқмоқчи. Мамлакатдаги «Мафдал» партияси эса Исроил ҳукумати таркибидан чиқишини маълум қилди. Партия йиғилишида Бош вазир фаластинликларга ён босишга мажбур бўлади, деган хавотирда ҳукумат таркибида қолмасликка қарор қилинди. Партия раҳбари, мамлакат қурилиш вазири Исҳоқ Левининг айтишича, Э. Барак учрашувда «Мафдал»га ёқмайдиган қарор қабул қилишга тайёр турибди.

Шу ўринда мазкур саммит ва унинг натижалари нималар билан якунланиши ҳақида араб давлатлари қандай фикр билдирмоқда, деган савол туғилиши, табиий. Энг қизиғи, ушбу давлатлар бу масалада турлича мулоҳазаларга боришмоқда. Масалан, Мисрдан келаётган хабарларга қараганда, Сурия Фаластиннинг мазкур учрашувга розилик берганини қоралаган. Расмий Дамашқнинг фикрича, учрашувда фаластинликлар Исроилга ён босишга мажбур бўлади ва Қуддуснинг мақоми, қочқинлар ҳамда Ғазо секторидаги яҳудий қишлоқларининг тақдири каби муҳим масалаларда улар билан келиша олмайди. Иордания подшоҳи Абдулла эса АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт билан телефон орқали мулоқотида учрашувнинг самарали якунланишига ишонч билдирди. Албатта, ушбу саммит арафасида билдирилаётган бундай турлича фикру башоратларнинг нечоғлик ўринли эканлигини вақт кўрсатади.

## БИР ЧИМДИМДАН...

Афғонистонда "Толибон" ҳаракати билан Шимолий иттифоқ қўшинлари ўртасида қаттиқ жанглар кетмоқда. Шимолий алянс вакилининг маълум қилишича, Чорикор шаҳри йўналиши бўйлаб ҳужум қилган толиблар яна аввалги фронт чизиғигача ҳайдаб чиқарилган.

* * *

Малайзияда АҚШ ва Шимолий Корея вакиллари ўртасида учрашув бошланди. Унда КХДР ракета дастурининг ижросини тўхтатиш масаласи муҳокама этилмоқда.

АҚШ билан Шимолий Корея ўртасида бу масала бўйича музокаралар 1996 йилдан буён давом этиб келмоқда. Вашингтон Пхеньяндан ракета дастури ижросини бутунлай тўхтатишни сўраяпти.

* * *

Оқ уй халқаро террорчи Усама ибн Лодиннинг АҚШнинг Танзания ва Кениядаги элчихоналарида амалга оширилган портлашларга алоқадорлигини исботловчи далилларни Покистон маъмурияти ва "Толибон" ҳаракати вакилларига топширди. Бу ҳақда АҚШнинг Карачи шаҳридаги бош консули Жон Бенетт айтди. Консул толибларнинг бу ҳақдаги ҳужжатлар "Толибон"га топширилмагани ҳақидаги гапларини рад этди.

* * *

Камбожа ҳукумати билан БМТ экспертлари Пол Пот сафдошларини судлаш муддати масаласида якуний келишувга эришди. БМТ экспертлари раҳбари Ҳанс Кореллнинг айтишича, Камбожа парламенти "Қизил кхмерлар" вакилларини жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллагач, суд бошланадиган кун аниқланади.

* * *

Грецияда мисли кўрилмаган жазирама оқибатида шу кунгача тўрт киши ўлди ва беш юздан ортиқ киши касалхонага ётқизилди. Айни пайтда мамлакатнинг баъзи туманларида ҳаво ҳарорати 47 даражага етмоқда. Атрофи тоғлар билан ўралган Афинада эса ҳаво 45 даражагача қизияпти.

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**

## СЎЗ ҚУДРАТИ – МАЪНО ҚУДРАТИДА

*Нутқ маданияти*

Сўз илоҳий қудратга эга. Сўз билан меҳр қозониш ва ёки нафратга йўлиқиш мумкин. Нотиқ эса сўз мусаввири. Сўзга сайқал беради. Жозиба бағишлайди. Шу сабабли тингловчилар қалби мунаввар, юраги эзгу туйғуларга ошно бўлади.

**«Ширин сўзли шилгай душман пўстини,
Дағал сўзли — душман қилар дўстини»**

– деб ёзган эди буюк Саъдий сўзлашув маҳорати ҳақида.

Шу ўринда Президентимизнинг нотиқлик маҳорати ҳақида сўз юритиш жоиз, деб ўйлайман. Юртбошимизнинг ҳар бир нутқи, маърузаси ва оддий халқ вакиллари билан бўлган учрашувларидаги суҳбатлари жонли, самимий ва кўнгилга яқин. Чунки Президентимиз халқ руҳиятини жуда яхши билади.

Юртбошимиз «Давлат тили тўғриси»даги Қонуннинг жонкуяр ҳимоячиси, айни пайтда, фаол ижрочиси ҳамдир. У ҳар бир маърузасида ўзбек тилининг қудратли кучини намоён этиб келмоқда.

Биз истиқлолнинг тўққизинчи баҳорини қаршиламоқдамиз. Тўққиз йил кўҳна тарих олдида лаҳзадек гап. Аммо бу муддат ичида мамлакатимизда оламшумул ишлар амалга оширилди. Зиёлиларимиз, нотиқларимиз буюк ўзгаришлар моҳиятини халқ қалбига қандай етказмоқдалар? Ёшларимиз кечаги ва бугунги кун ҳақида қандай таассуротга эга? Кейинги пайтларда айрим дин ниқобидаги риёкор кимсалар ёшларни ўз ортидан эргаштирмоқчи бўлишяпти. Табиий савол туғилади: нега бизнинг зиёлиларимиз, нотиқларимиз сўзнинг қудратидан фойдалана олмаяптилар?

Яқинда «Маънавият ва маърифат» маркази Навоий вилояти бўлими ташаббуси билан нотиқлар, воизлар танлови ўтказилди. Бу танлов иқтидорли ёшлар маҳоратига бугунги кун нуқтаи назаридан баҳо берди.

***Сўздирки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздирки, берур жонга хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким гуҳари шарифроқ йўқ ондин.***

Ҳазрати Навоийнинг ушбу сатрлари бугунги кунда ҳам нечоғлик катта аҳамият касб этаётганлигини унутмаслигимиз керак. Сўзимиз ҳарорати ҳар бир қалбга куч бағишлаши, йўлларни мунаввар, кўнгилларни чароғон этиши керак.

Замонавий раҳбар фаолиятида нутқ маданияти жуда муҳим ўрин тутади. Ҳозир республикамизда нотиқлик санъати ва бу соҳанинг сир-синоатини тўлиқ ўргатадиган бирор бир муассаса мавжуд эмас. Тўғри, бу борада Тошкент давлат Маданият институти ва Санъат институтида муайян таҳсил берилади. Аммо бу нутқ маданиятини ўрганиш ва ўзлаштиришда денгиздан томчи, холос.

Нотиқлик буюк аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган маънавий хазина. Давр нотиқлик санъати мактаби анъаналарини қайта тиклаш заруратини етилганлигини кўрсатди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча соҳалари учун малакали раҳбар кадрлар тайёрлаб бераётган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида, республикамиз олий ўқув юртларида нотиқлик санъати кафедраси ташкил этилса, айни муддао бўларди.

Бу эса, ўз навбатида, академия салоҳиятини ошириш билан бирга, у ерда таҳсил оладиган тингловчиларнинг раҳбарлик маҳоратини эгаллашларида ижобий натижалар беради, деб ўйлайман.

Нотиқлик санъатини ўзлаштириш ва чуқур ўрганиш учун муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг китоблари тайёр дарслик ва ўқув қўлланмаси вазифасини ўтайди. Негаки, Юртбошимизнинг асарларида, нутқ ва суҳбатларида, маъруза ва савол-жавобларида халқимиз тарихи, юртимиз истиқболи ҳақида бири-биридан дадил ва янги ғоялар, қарашлар майдонга ташланади. Уларда маъно қудрати — сўз қудратини таъминлайди. Уни ўқиган ҳар бир ўқувчи, у ишчими, олимми, раҳбарми, олам - олам маъно олади, маънавияти юксалади, тарбия топади. У кишининг пурҳикмат сўзлари яхшиликка, адолатга даъват этади, Ватан меҳрини қалбига жо қилишга чорлайди.

**Азамат ҲАЙДАРОВ,
Давлат ва жамият қурилиши академияси магистри.**

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими Хурбой Ғофуров номини андижонлик шофёрларнинг кўпчилиги ўз устози сифатида фахр билан тилга оладилар. Боиси Хурбой ака Андижон автокомбинатида қирқ йилдан ошиқ вақт мобайнида ҳалол меҳнат қилиб, обрў-эътибор қозонди, кўплаб шогирдлар тайёрлади.*

*Давлатнинг кўплаб мукофотларини олишга мушарраф бўлган Хурбой акага оилада ҳам омад кулиб боқди. Бугун унинг жонажон жамоасида беш нафар ўғли – Абдужаббор, Дилмурод, Улуғбек, Элмурод ва Бекижонлар ота касбига меҳр қўйиб эл-юрт хизматига бел боғлашган.*



СУРАТДА: Хурбой Ғофуров ўғиллари даврасида.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар, азиз юртдошлар!*

**Юртимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган барча ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, хорижлик сармоядорлар**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**

**ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар филиалларининг қуйидаги хизматларидан фойдаланишлари мумкин:**

- *давлат тасарруфидаги турли кўчмас мулклар, автотранспорт воситалари, уй-жой қуриш учун, умрбод эгалик қилиш ва мерос қолдириш ҳуқуқи билан ер майдонларини сотиб олишлари;*
- *банкрот корхоналар, хўжалик судларининг қарорлари билан сотувга қўйилган, Давлат солиқ қўмитаси томонидан мусодара қилинган, банклардан кредит олиб ўз вақтида қайтара олмаган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкларини сотиб олишлари;*
- *жисмоний шахслар ўз тасарруфларидаги барча турдаги кўчмас мулклар, уй-жойлар ва автотранспорт воситаларини сотишлари;*
- *ҳуқуқий ва жисмоний шахслар биржадан брокерлик жойларини сотиб олиб кўчмас мулклар олди-сотдиси билан қонуний шуғулланиш ҳуқуқини қўлга киритиш имкониятига эгадирлар.*

**Уй-жой ва корхоналар комплекс сотилган ҳоллардан ташқари Кўчмас мулк биржаси орқали Сиз барча турдаги олди-сотди шартномаларини нотариал идоралар тасдиғисиз расмийлаштиришингиз мумкин.**

**Шунингдек, Кўчмас мулк биржасида чиқарилаётган листинглар — яъни савдоларга қўйилган объектлар рўйхати орқали Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидаги кўчмас мулклар ва автомототранспортлар ҳақида зарур маълумотларни олишингиз мумкин.**



*Азизлар!*

**Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг барча вилоятлар филиалларида 2000 йил 28 мартдан бошлаб биржада амалга ошириладиган олди-сотди шартномаларидан олинадиган воситачилик йиғимлари камайтирилди:**

**Унга асосан, нодавлат объектлар (уй-жойдан бошқа) РКМБ ва унинг филиалларида биржа савдосида сотилганида брокерлардан биржа фойдасига олинадиган воситачилик йиғимлари қуйидаги миқдорда белгиланди:**

1) **Шартнома қиймати 5 000 000 сўмгача бўлганда:**
- сотувчи брокердан -1%дан кам бўлмаган миқдорда;
- олувчи брокердан-1% дан кам бўлмаган миқдорда;

2) **Шартнома қиймати 5 000 001 сўмдан 10 000 000 сўмгача бўлганда:**
- сотувчи брокердан -0,8%дан кам бўлмаган миқдорда;
- олувчи брокердан-0,8% дан кам бўлмаган миқдорда;

3) **Шартнома қиймати 10 000 000 сўмдан 25 000 000 сўмгача бўлганда:**
- *сотувчи брокердан -0,6%дан кам бўлмаган миқдорда;*
- *олувчи брокердан-0,6% дан кам бўлмаган миқдорда;*

4) **Шартнома қиймати 25 000 000 сўмдан юқори бўлганда:**
- *сотувчи брокердан -0,5%дан кам бўлмаган миқдорда;*
- *олувчи брокердан- 0,5% дан кам бўлмаган миқдорда.*

**Ушбу ҳолатларда қўшимча қиймат солиғи ҳисобга олинмаган.**

**Кўчмас мулк биржаси мол-мулкингизнинг ҳақиқий бозор баҳосида сотилишига имконият яратади ва олди-сотди шартномасининг қонунийлигини, сир сақланишини кафолатлайди.**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 бино.
Республика Биржалар маркази,
Республика Кўчмас мулк биржаси, 3 қават, 10 хона.
Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75.
Факс: 136-06-17.**

3067

*Кўчмас мулк биржасига марҳамат қилинг!*

**«ИПАК ЙЎЛИ»**
**акциядорлик инновация тижорат банки**
*маълум қилади.*

***«Умарбанк» ХЁАТБ ва «Наманганбанк» АТБ нинг «Ипак Йўли» банкига ўз хоҳиши билан қўшилиши муносабати билан ушбу банкларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари «Ипак Йўли» банки зиммасига ўтади.***

3075

Маълумот учун телефонлар: (99871) 76-18-74, 76-18-52

**Хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки**
*кредиторлари диққатига!*
**«УМАРБАНК»**

***Самарқанд шаҳридаги «Умарбанк» ХЁАТБ нинг ўз хоҳиши билан «Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банкига қўшилиши муносабати билан «Умарбанк» ХЁАТБ мажбуриятлари ва ҳуқуқлари «Ипак Йўли» банкига ўтади.***

3076

Маълумот учун тедефонлар: (3662) 35-17-09, 35-22-37, (99871) 76-85-52

**«НАМАНГАНБАНК»**
**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**
**КРЕДИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

***Наманган шаҳридаги «Наманганбанк» АТБ нинг ўз хоҳиши билан «Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банкига қўшилиши муносабати билан «Наманганбанк» АТБ мажбуриятлари ва ҳуқуқлари «Ипак Йўли» банкига ўтади.***

3077

Маълумотлар учун телефонлар: (36922) 2-05-21, 2-06-88, (99871) 76-85-52

# ОДАМИЙЛАР ОДАМИЙСИ

## БУ – КОМИЛ ИНСОНЛАРДИР

Ўзининг таъкидлашича, ҳаётда яхши дўстлар орттирган, сўфий табиат устозларга йўлиқиб, улардан кўп нарсалар ўрганган, олган билимларини шогирдларига етказаётган олим, филология фанлари доктори Нажмиддин Комиловнинг номи кўпчиликка яхши таниш. Ўзбекистон – Ватанни мустақил кўриш бахтига ноил бўлган Нажмиддин ака асосан истиқлолдан сўнг олим сифатида танилди ва қадр топди, еттита китоби чоп этилиб, унинг сўзи ўз ўқувчиларига етиб борди. Тасаввуф таълимоти ҳақида яхлит китоб ёзиш билан бирга айни пайтда тасаввуфга оид қатор манбаларни таржима ҳам қилди. Шарқу Ғарб маънавиятидаги ўзаро баҳрамандликни таҳлил этувчи «Тафаккур карвонлари» номли китоби билан бугун янгича жамият қураётган халқимизнинг янгича тафаккурини шакллантиришга бебаҳо ҳисса қўшди.

**Янги нашр**




Қадим маънавиятимиз сарчашмаларини, халқимиз қолдирган фалсафий-тафаккурий, бадиий-адабий меросни бугун ва келажак авлод учун хизмат қилдиришга бел боғлаган олимнинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босмадан чиққан тасаввуф ҳақидаги иккинчи китоби «Тасаввуф». «Тавҳид асрори» деб номланади.

Тасаввуф, бир томондан, дин ва шариат, иккинчи томондан, фалсафа ва ҳикмат илми билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган ўзига хос таълимотдир. Аммо шуниси ҳам борки, сўфийлар ўзларини ҳар доим файласуфлар билан калом аҳли (шариат аҳли уламолари)га қарама-қарши қўйиб келганлар. Нега? Китобнинг илк саҳифаларидан бошлаб ушбу саволга жавоб берилади. Тасаввуфнинг ўзига хослиги далил-исботлар билан тасдиқланади.

Маълумки, тасаввуфда комиллик сари интилиш кенг тарғиб қилинади. Чунончи унда солиҳ кишилар жамиятига зўрлик, инқилоб йўли билан эмас, ҳар бир инсонни ахлоқий тарбиялаш орқали етиш мумкин, деб ҳисобланган. Тасаввуфдаги ўз-ўзини такомиллаштириш ғояси, ахлоқий юксалиш, эзгулик, хайр, ҳиммат, мардлик ҳақидаги қарашларнинг бутун мусулмон оламида катта ижтимоий ҳодисага айланганлиги бежиз эмас. Чунки ҳар қандай давлат ва жамият комил инсонлар билан кучли ҳамда гўзал бўлади. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бу ҳақда қайта-қайта уқтириб, таъкидлаб келмоқда. Зеро, улуғ мақсадларни комил инсонларсиз амалга ошириб бўлмаслигига тарихда истаганча мисоллар бор.

Президентимиз «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавобларида ҳам асосий урғуни комил инсонни вужудга келтиришга қаратди. Ушбу масалага давлат, жамият, раҳбар, шахс нуқтаи назаридан ёндошган ҳолда, комил инсон тарбияси ҳар биримизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифамиз эканлигини эслатиб ўтди. Дарҳақиқат, фақат комил инсонларгина жамиятни маънавий янгилашда фаол иштирок этадилар. Президентимиз ибораси билан айтганда, элим деб, юртим деб ёниб яшаш уларнинг шиорига айланган.

Саҳифадан саҳифага ўтган китобхон кўз ўнгида инсоннинг ўз-ўзини англаши, ўзини камол топтириш учун олиб борган курашининг яхлит бир манзараси ҳосил бўлади. Шунинг натижаси ўлароқ, Инсон буюклаша борган ва фаришталар унга сажда қилдирилган. Шу ўринда муаллифнинг «Комил инсон – жамики инсонларнинг ҳақиқатидир, яъни одамийлар одамийсидир. Биз ҳар биримиз илму амал, фазлу камол касб этиб, ана шу ҳақиқат сари интилишимиз лозим», – деган фикрига қўшилмасдан иложимиз йўқ.

«Илм хосияти» деб номланган сўнгги саҳифаларда К.Алиеванинг Н.Комилов билан суҳбати берилган. Унда тасаввуф ғояларининг жамият ҳаётидаги ўрни, раҳбар кадрларга қай даражада асқотиши ҳақидаги теша тегмаган фикрлар ўз йўлига-ю, Нажмиддин ака дурустгина нозиктаъб шоир ҳам экан. (У кишининг ўзи «аммо шоирликка даъвом йўқ». – дея лутф этадилар). Суҳбат якунида шеърий машқлардан келтирилган намуналар, хусусан, фалсафий тўртликлар биз ўйлаганчалик дунёнинг эмас, аксинча инсоннинг ўткинчи, бир лаҳзалик йўловчи эканлигини ёдга солади:

***Битмаган ишлар кўп – битмайди улар,***
***Кетмаган ғамлар кўп – кетмайди улар.***
***Оёқлар югурар тиним билмасдан,***
***Манзилга етмади – етмайди улар.***

Хуллас, асар ҳақида илиқ гапларимиз кўп. Яхшиси, минг эшитгандан кўра бир бор ўқиш афзаллигини таъкидлаб, сўзни мухтасар айласак...

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**Абдулҳамид ТЎХТАСИНОВ.**

# ДАРДЛАРГА ДАРМОН ШИФОКОРЛАР





*Республика саломатликни тиклаш ва табиий даволаш илмий текшириш институтининг Термиз филиали ташкил этилганига ўн йил бўлди. Ана шу қисқа давр мобайнида филиал ходимлари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Филиал раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Зокиржон Зуннунов етакчилигида инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кўплаб илмий-амалий фаолият юритилди. Айни пайтда филиал таркибида кардиология, неврология, пульмонология, терапия бўлимлари мавжуд. Шунингдек, 140 ўринли клиника, даволаш-диагностика бўлимлари ишлаб турибди.*

*Ҳозир бу ерда 20 нафардан ортиқ умидли ёшлар турли мавзу ва йўналишларда илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Улардан тўрт нафари номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилганликлари жамоа эришган муҳим ютуқлардан бири бўлди.*

*Илмий даргоҳ фаолиятининг муҳим томонларидан бири эришилган ютуқларни амалиётга татбиқ этишдир. Жумладан, бу ерда илмий асосланган даволаш усуллари республика шифохоналарида муваффақиятли қўлланилмоқда. Хусусан, юрак-ишемик ва ҳафақонлик касаллигини даволашда «мўътадил олтингугуртли ванналар»дан кенг фойдаланиш шулар жумласидандир.*

**СУРАТЛАРДА: филиал биносининг умумий кўриниши; филиал директори, тиббиёт фанлари доктори, Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Зокиржон Зуннунов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# АМАЛИЙ ИШ ДАВОМ ЭТАДИ

**Таълим**

Навоий шаҳрида Халқ таълими вазирлиги қошида мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг ҳудудий ўқув-кенгаши бўлиб ўтди. Ўқув-кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларидан 300 га яқин барча турдаги мактабдан ташқари таълим муассасалари раҳбарлари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича услубчилар шунингдек, Навоий вилояти ҳокимияти, вилоят халқ таълими бошқармаси вакиллари иштирок этдилар.

Кенгашда халқ таълими вазирининг биринчи муовини Й.Саиджонов Президент И.Каримовнинг "Фидокор" газетаси мухбири саволларига жавобларидан келиб чиқиб, мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимларининг вазифалари ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Кенгаш иштирокчилари Навоий вилояти ва шаҳридаги мактабдан ташқари таълим муассасалари, шаҳардан ташқарида ва мактаблар қошида ташкил этилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, сўнгги йилларда Навоий вилоятидаги мактабдан ташқари муассасалар фаолиятида маълум силжишлар бўлди. Халқ таълими бошқармаси вилоят ҳокимлигининг ёрдами билан таълим муассасаларига вилоятдаги энг йирик саноат корхоналарини ҳомий ташкилот сифатида бириктиришга муваффақ бўлган. Бу эса муассасаларнинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий томондан юксалишига шароит туғдирди.

Навоий шаҳар ва Конимех тумани маънавият ва қўшимча таълим марказларида ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида "Президент асарлари билимдони", "Ёш ҳуқуқшунос", "Ижодкорлар", "Мулоқот" клубларида ўсмир ёшлар тарбия мактаблари ташкил этилган.

Бир сўз билан айтганда, вилоятдаги мактабдан ташқари таълим муассасаларида ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишлари ҳукумат қарорлари асосида изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда вилоятда қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам талайгина. Авваламбор, барча мактабдан ташқари таълим муассасаларида узлуксиз таълимнинг ўзига хос моделини яратиш зарур. Бу ўринда илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, ишлаб чиқариш корхоналари билан ижодий ҳамкорлик ўрнатиш, олимлар, муҳандисларни режалаштириш, дастурлаш ишларига кенгроқ жалб этиш, шу аснода кичик илмий лабораториялар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, мутахассисларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, уларни йўналтириш, рағбатлантириш каби ишларга муҳим эътибор қаратиш зарур. Чунки, бугунги кунда таълим-тарбия жараёнининг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан яхши ва ҳар томонлама тайёрланган мутахассисларга боғлиқлигини унутмаслигимиз керак.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ишига якун ясалди. Аммо, кенгаш белгилаб берган амалий ишлар вилоятда давом этади.

**О. ИБРОҲИМОВА,**
**республика ўқувчилар саройи директори, мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши раиси**




## ДУНЁДА ЭНГ УЗУН...

Шундай номлар борки, уларни ўқиш ва айтишга киши қийналади. Ўзининг ажойиб асарлари билан санъат ихлосмандларини қойил қолдирган машҳур рассом Пабло Пикассонинг номини кўпчилик эслаб қололмаган бўлса керак. Бу мўйқалам устасининг асли номи дунёда энг узун исм бўлса ажаб эмас. Унинг номи қуйидагича: Пабло Диего Хосе Франциско де Паула Хуан Непомукено Криспин Криспиано де ла Сантиенма Трипидад Руис и Пикассо.



## БАШОРАТЧИ ЎСИМЛИКЛАР

Заминдаги мавжуд ўсимликлар бир бирларидан баъзи хусусиятлари билан фарқланиб турадилар. Ўсимликларнинг барчаси ҳам ҳар хил ҳодисалардан, ҳолатлардан хабардор этади. Олимларнинг аниқлашича, ер юзидаги 400 га яқин ўсимлик обиҳавони «башорат» қилиш хусусиятига эга.



## БУ ҲАМ МАҲОРАТ

Швециянинг Мерст шаҳрида яшовчи Томас Лундманд тўпни бирор марта ерга туширмай 38 минг марта бошида ўйнатди. Бунинг учун Томас 5 соату 14 дақиқа вақт сарфлаб, аввалги жаҳон рекордини 42 дақиқага янгилади.

**Зулхумор ЗУЛУНОВА тайёрлади.**


## Диққат, ТЕНДЕР

# ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

**2000 йилда қуриладиган иншоотлар учун керакли қурилиш материаллари ва жиҳозларини пудрат (тендер) асосида сотиб олади.**

***Пудрат (тендер) савдоларида мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар, корхоналар, фирмалар ва қўшма корхоналар қатнашиши мумкин.***

| Маҳсулотлар номи | Русуми |
|---|---|
| Карбонат кислотали, кўпикли, порошокли ўт ўчириш асбоблари | |
| 51 миллиметрли ўт ўчирадиган шланглар, комплекти билан | ДУ-51 |
| Овоз кучайтиргичлар | |
| Кўча ёритгичлари | РКУ-125 с лампами ДРЛ-125 |
| | РКУ-250 с лампами ДРЛ-250 |
| Ертўла учун иссиқ сув ва газ ҳисоблагичлари | ДУ-50, |
| | ДУ-25 |
| Алоқа асбоб-ускуналари | |
| Совитиш асбоб-ускуналари | |
| Савдо-технологик асбоб-ускуналари | |
| Куч трансформаторлари | |
| Юқори вольтли ячейкалар | |
| Трансформатор | |
| Трансподстанциялар | |

| Маҳсулотлар номи | Русуми |
|---|---|
| Компьютерлар | |
| Йўловчилар лифтлари | |
| Кабель ААШВ-10 | 3х150 3х120 |
| Кабель ТЗГ | 14х4х1,2 |
| Яланғоч сим | А-16-25-35-50 |
| Вентиляторлар | ВЦ 4-75 № 6,3<br>ВЦ 4-75 № 5<br>ВЦ 4-75 № 9<br>ВЦ 4-75 №10 |
| Калориферлар | КсК 310<br>КсК 3-9<br>КсК 3-8<br>КсК 3-6 |
| Тезкор сув иситгичлари | |
| Запор арматураси | |

***Пудрат савдоларида иштирок этувчилар қуйидаги телефонга мурожаат қилишлари мумкин: 139-17-44.***

3074



## «РАДИО-ТЕЛЕФОН «АЛТАЙ»

**ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНАЁТГАН АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

***2000 йил 1 июндан бошлаб белгиланган 180 минут (1ойга)дан ортиқ радио-телефондан фойдаланган абонентлардан ҳар бир дақиқа учун:***

— хўжалик ҳисобидаги абонентлар учун 15 сўм

— бюджетдан маблағ билан таъминланган муассаса ва ташкилот абонентлари учун 10 сўм

— кириш алоқаси учун 7.5сўм

— қурилмани ўрнатиш 20000 сўм белгиланган

— 900 дақиқадан ортиқ фойдаланиш учун БЕПУЛ.



**Тарифда НДС ҳисобга олинмаган.**

***ОТАЖ «Автоалоқа бошқарув идораси».***

**Телефон: 144-25-67»**

3061


Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раҳбарияти ва жамоаси бошқарма бошлиғи Машраб Саидмуродовга падари бузруквори

**Фахриддин САИДМУРОДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармаси жамоаси меҳнат фахрийси Рауза Самигуллинага онаси

**Ширинбону ИСМАГИЛОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси тиббий санитария қисми бош шифокори

**Шукурхўжа ЗОКИРХЎЖАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР Давлат Фан ва техника комитети Давлат патент идораси жамоаси директор ўринбосари Валентина Ермолаевага турмуш ўртоғи

**Валерий СОЛОВЕЙЧИКнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси «Самарқандтуризм» ҳиссадорлик жамияти бошқарувчиси

**Фахриддин САИДМУРОДОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси «Телевидение режиссёрлиги» кафедрасининг доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Қўзивой Ҳакимовга онаси

**ЗЕБОХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси ипак технологияси кафедрасининг собиқ доценти, институт фахрийси

**Абдулла ИСАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик* — 133-78-92;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 516, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II max компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.00*
1 2 3 4 5 6